



Савол:

Беш махал намоз ўкиб юрган одамда гунох бўладими ё йўкми?

Жавоб:

Намоз гунохларни ювиши хакида хадислар ворид бўлган, бирок намоз кичкина гунохларни ювади. Абу Хурайра пагамбар соллаллоҳу алайхи ва салламдан ривоят килади, дедилар: «Беш вакт намоз, жума келгуси жумагача модомики катта гунохлар килинмас экан ўрталаридағи нарсаларга каффоротдир. (Имом Муслим ривояти). Албатта бу въъда намозларини суннатга мувофик, тўла-тўқис адо этган кимса учун. Катта гунохлардан тавба килинмагунча улар тураверади. Юкоридаги хадиснинг маъноси намозни ўкиб кўйиб, гунохларни килавер дегани эмас. Худо билади бу одам ўкиётган намознинг канчаси кабулу канчаси номакбул. Пайгамбар соллаллоҳу алайхи ва саллам хабар берганлар: "Одамлар намоз ўкийдилар, улардан кимдир намоз савобини ярим олади, кимдир учдан бир, кимдир олтидан бир ва кимдир ўндан бир олади". (Абу Довуд ривоятлари) Агар ўша одам ярим ёки олтидан бир савоб оладиган килиб намоз ўкийдиган бўлса, намози гунохларни ювишга кучсизлик килади. Натижада намозига ишониб килиб кўйган гунохлари кўпайиб тог-тог бўлиб кетади.

Умуман олганда намоз ўкийдиган одам илмсиз ёки таквосиз бўлса ундан кўп гунохлар содир бўлиши мумкин. Намоз ўкиди фаришта бўлди, дегани эмас. Исломда намоз-рўзалик бирок катта гунохлар киладиган кишига "Фосик" дейилади.